

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 163 Фермер хўжалиklarини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда фермер хўжалиklarини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Қайд этилсинки, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, фермер хўжалиklари давлат мулки бўлган ер майдонларини ижара шартномасини тузиш йўли билан узоқ муддатли ижарага бериш асосида, фермер томонидан шартномада назарда тутилган тегишли мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда ташкил этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, фермер хўжалиklarини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир барча масалалар маҳаллий ҳокимият органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий мувофиқ равишда тақдим этиладиган даъволар асосида суд орқали ҳал қилинади.

3. Белгилансинки, фермер хўжалиklarини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир даъво аризаларини қўзғатиш ва уларни судга ошириш учун фермер томонидан ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятларининг бажарилишини чуқур таҳлил этишда қуйидаги ҳолатларнинг аниқланиши асос бўлади:

ер майдонларини ижарага олиш шартномаси шартларини қўпол равишда бузиш, яъни, энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик экин майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик;

фермер хўжалиklarини шакллантириш чоғида белгиланган фермер хўжалиklари ихтисослашувини бузиш, контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалик экинларини экиш;

ижарага берилган қишлоқ хўжалик экинзорларидан норационал фойдаланиш, мунтазам (уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олиш;

фермер хўжалиklари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг шартларини мунтазам (уч йил мобайнида) бажармаслик;

хўжалик фаолиятини самарасиз ва паст рентабелли юритиш, фермер хўжалигини банкрот деб эълон қилиш, жумладан, моддий-техник ресурслар, ишлар ва хизматларни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаслик.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Фермер хўжалиklarини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фермер хўжалиklarини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш масалаларини ҳал этишда амалдаги қонун ҳужжатларига ва мазкур Фармоннинг қоидаларига қатъий амал қилсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фермер хўжалиklarини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка қатъий риоя қилиниши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда мансабдор шахслар томонидан суиистеъмом қилиш ва қонунчиликни бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича зарур чораларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 18 апрель,  
ПФ-4301-сон